

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**КАРИМОВА ГУЛРУХ КОМИЛОВНА**

**ГЕСТАЦИОН ҚАНДЛИ ДИАБЕТНИ ЭРТА ТАШХИСЛАШНИНГ**  
**БИОКИМЁВИЙ СКРИНИНГИ ВА УНИ**  
**ПРОФИЛАКТИКАСИ**

**14.00.01– Акушерлик ва гинекология**  
**14.00.25 – Клиник лаборатор ва функционал диагностика**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Каримова Гулрух Комиловна**

Гестацион қандли диабетни эрта ташхислашнинг биокимёвий скрининги ва унинг профилактикаси .....3

**Каримова Гулрух Комиловна**

Ранние биохимические маркеры и скрининг диагностики гестационного сахарного диабета и её профилактика .....27

**Karimova Gulrux Komilovna**

Early biochemical markers and screening diagnosis of gestational diabetes mellitus beta and its prevention .....49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....53

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**КАРИМОВА ГУЛРУХ КОМИЛОВНА**

**ГЕСТАЦИОН ҚАНДЛИ ДИАБЕТНИ ЭРТА ТАШХИСЛАШНИНГ**  
**БИОКИМЁВИЙ СКРИНИНГИ ВА УНИ**  
**ПРОФИЛАКТИКАСИ**

**14.00.01– Акушерлик ва гинекология**  
**14.00.25 – Клиник лаборатор ва функционал диагностика**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2022**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/Tib1470 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбарлар:**

**Ихтиярова Гулчехра Акмаловна**  
тиббиёт фанлари доктори (DSc), профессор

**Муминова Нигора Хайритдиновна**  
тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Якубова Олтиний Абдуганиевна**  
тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

**Арипов Абдумалик Нигматович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етақчи ташкилот:**

**С.Д. Асфендияров номидаги Қозоғистон Миллий тиббиёт университети**

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги PhD.04/13.05.2020. Tib.93.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «12» сентябр соат 14 <sup>30</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (99865) 223-00-50, Веб-сайт: [www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz), e-mail: [buhme@mail.ru](mailto:buhme@mail.ru)).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 00 рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (99865) 223-00-50, Веб-сайт: [www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz), e-mail: [buhme@mail.ru](mailto:buhme@mail.ru)).

Диссертация автореферати 2022 йил «25» сентябр кунни тарқатилган.

(2022 йил «25» сентябр даги 1854 рақамли реестр баённомаси)



*[Signature]*

**Д.Т.Ходжиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси тиббиёт фанлари доктори (DSc)

*[Signature]*

**Н.Н.Каримова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

*[Signature]*

**М.Б.Ўринов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий семинар раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутун дунё бўйича сунги йилларда қандли диабет касаллигининг учраши ҳомиладор аёллар орасида, айниқса пандемия даврида глобал муаммо бўлиб, акушерлик ва перинатал асоратларнинг кескин ошиши ва касалликнинг ёшариб кенг тарқалишига сабаб бўлувчи патологиялардан бири. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти таърифига кўра «... гестацион қандли диабет тарқалганлиги ер юзининг турли мамлакатларида умумий ҳисобда 1-14% ни ташкил этади...»<sup>1</sup>. Бугунги кунда гестацион қандли диабет метаболизм бузилиши хасталиги бўлиб, дастлаб ҳомиладорликда юзага келадиган инсулинга резистентликнинг бузилиши билан намоён бўлади. Гестацион қандли диабет сонининг ортиб бораётганлиги, тана массаси ортиши ва нотўғри овқатланиш билан параллел ҳолда ўсиб бормоқда. Гестацион қандли диабет скрининги ва профилактикаси муаммолари долзарб саналиб, бу ҳолат биокимёвий ва иммунофермент маркерларнинг таҳлилига асосланган лаборатор алгоритмларни такомиллаштиришда ўз исботини топмоқда. Эпидемиологик манбаалар маълумотлари шуни кўрсатдики, ер юзида ҳомиладорлар орасида гестацион қандли диабет билан касалланиш ошиб бораётганлиги, бу вазиятини профилактикаси ва касалликни скрининги бугунги кунда акушер-гинекологларнинг олдида турган долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳон миқёсида гестацион қандли диабет олдини олиш услубларини оптималлаштиришга қаратилган қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу соҳада гестацион қандли диабетнинг келиб чиқиши сабаблари, биомаркерлари, эрта скрининги ва профилактикасига қаратилган илмий тадқиқотлар йўналиш мунозарали бўлиб қолмоқда. Гестацион қандли диабет ривожланишининг эрта ташҳисоти ва уни даволаш ва олдини олишга қаратилган умумий йўналиш тайинлаш ушбу соҳа мутахассислари учун долзарб муаммо ҳисобланади. Тавсия этилган илмий-тадқиқот ишлари натижалари шуни кўрсатадики, гестацион қандли диабет йирик ҳомила, оператив туғруқ ва муддатдан олдинги туғруқлар ортиши, гестацион гипертензия ва преэклампсия ривожланиши, чақалоқда гипогликемия каби перинатал асоратлар келиб чиқишининг бевосита хавф омили бўлиб ҳисобланади. Гестацион қандли диабетнинг акушерлик асоратлари орасида гипергликемия ҳолати алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини янада такомиллаштириш, жумладан, турли акушерлик ва гинекологияга оид касалликларни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг беш устувор йўналиши бўйича, ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда унинг сифатини ошириш шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усулларини тадбиқ қилиш, патронаж

<sup>1</sup> ЖССТ маълумотлари, 2018 йил

хизматини ташкил этиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш...»<sup>2</sup> каби вазифалари белгиланган.

Юқорида белгиланган вазифалар аҳоли орасида акушерлик ва гинекологик касалликларни камайтириш, физиологик тўғруқ сонини оширишга қаратилган профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқишда замонавий лаборатория технологияларни қўллашни оптималлаштириш орқали касаллик пайдо бўлиши хавф омилларининг асоратлари натижасида ногиронлик ва ўлим каби кўрсаткичларни пасайиши имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 майдаги ПФ-4295-сон «2019-2021 йилларда республика аҳолисига эндокринология ёрдами кўрсатишни такомиллаштириш миллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонида, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Гестацион қандли диабет (ГҚД) моддалар алмашинувининг бузилиши ва акушерлик, перинатал асоратларнинг кузатилиши билан узвий боғлиқ бўлади (Melchior H., 2017). Халқаро диабет федерацияси дунёда ГҚД нинг тарқалганлиги 14 % гача учраши, ҳар еттига туғилган гўдакларнинг биттаси азият чекиши мумкин эканлиги қайд этилган, шулардан 18 миллион туғруқлар она ва ҳомила ўлими каби нохуш асоратлар билан кечади, ушбу статистик маълумот тадқиқот олиб борилаётган аҳолининг генетик касалликлари фонига, ташхислашда қўлланилаётган услулларга ва атроф муҳит омилларига боғлиқ бўлади (Ана R., 2019). ГҚД ни даволамаслик она ва чақалоқнинг ҳаётига жиддий таҳдид солиши мумкин (Margaret L., 2020). Мисол учун, онага преэклампсия ёки эклампсия хавфи 8 мартага ортади (Michael S., 2018). Шу тариқа, ҳомиладорлик билан боғлиқ бўлган гипертония ва туғруқдаги хавф омиллари частотаси, чақалоқ макросомияси ва кесар кесиш зарурати ҳам ортади (Бурумкулова Ф.Ф., 2015). ГҚД ли аёлларнинг аксариятида, деярли 50% ида, кейинчалик 2 тур диабет юзага келади. ГҚД бўлган оналарнинг аждодларида глюкозанинг қондаги миқдори ортиши ва аминокислота липид миқдорининг ўзгариши кузатилиб, улар инсулин ажралиши ва ўсиш омилларини рағбатлантиришади (Медведева М.В., 2017). Натижада бу болаларда 2 тур диабетининг болалар ва ўсмирлар ёшида ривожланиши 6 мартага кескин ортади (Домански Г., 2018).

Аксарият ҳолатларда ҳомиладорларда ушбу касаллик енгил гипергликемия билан кечиши ва яққол клиник симптомлари йўқлиги

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

туфайли ГҚД хусусиятлари орасида қийинчиликлар – уни ташхислаш ва кеч намоён бўлиши ҳисобланади. Бир қатор ҳолатларда, чақалоқларда ГҚД ташхиси диабетик фетопатиянинг фенотипик аломатларига кўра туғруқдан кейин ретроспектив равишда аниқланади ёки умуман аниқланмайди (Капустин Р.В., 2016). Айнан шу сабабдан кўплаб мамлакатларда (айниқса, аҳоли ўртасида ҚД 2-типи кўп учрайдиган) ҳомиладорликнинг мазкур асоратини аниқлаш мақсадида ялпи фаол скрининг ўтказилади (Фролухина О.Б., 2020).

Мамлакатимизда бугунги кунга қадар ГҚД касаллиги учун ўзини тўлақонли оқлай оладиган эрта скрининг стандартлари мавжуд эмас, уни эрта аниқлаш ва башоратлаш каби долзарб муаммолари тўлиқ ҳал этилмаган (Тожиева И.М., 2020). Шу кунга қадар ГҚД келиб чиқиши механизмлари етарлича ўрганилмаган. Мазкур касаллик юзага келишининг сабаби ягона эмас. Бугунги кунда ГҚД билан боғлиқ эрта скрининг биомаркерларни аниқлаш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, бир қатор биомаркерлар бўйича тадқиқот натижалари эълон қилинган (Каримова Г.К., Ихтиярова Г.А., 2020). Бироқ аниқланган маркерларнинг ГҚД нинг яққол ва яширин клиник аломатлари билан ўзаро алоқаси аниқ исботини топмаган. Шу сабабдан ГҚД ва асоратларининг предикторларини излаш долзарб ҳисобланади (Қосимова А.Ж., 2017).

Шунингдек гестацион қандли диабет билан касалланган аёлларни самарали эрта аниқлаш моделларини, ўз вақтида скрининги ва профилактика услубларини ишлаб чиқиш зарур, бу эса гестацион диабетни даволашда алоҳида аҳамият касб этади ва саломатлик кўрсаткичларини оширишга ёрдам беради. ГҚД даволаш эмас, балки профилатикаси саломатлик нуқтаи назаридан ҳам, иқтисодиёт нуқтаи назаридан ҳам устуворликка эга. Диабети бўлмаган, аммо ГҚД хавфи бўлган аёлда глюкоза миқдорининг бироз бўлса ҳам пасайиши ҳомиладорлик кечиши учун ва бўлажак авлод саломатлиги учун аҳамиятли омил бўлиши мумкин.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг (01.2022 PhD 133) илмий-тадқиқот ишларининг режасига мувофиқ «Бухоро вилоятининг иссиқ иқлими шароитида патологик ҳолат ва патологик ҳолатдан олдин эрта ташхис қўйиш, даволаш ва олдини олишда янги ёндашувларни ишлаб чиқиш (2017-2021 й.)» доирасида олиб борилди.

Ўзбекистон республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сонли “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармониға мувофиқ илмий лойиха “Гестацион қандли диабетли ҳомиладорларда инсулинли билакузукни яратиш” № 58217 асосида олиб борилди.

**Тадқиқотнинг мақсади** гестацион қандли диабетни эрта ташхислашда клинко-лаборотор (биокимёвий-гормонал) ва инструментал маркёрларига асосланиб скрининг усулларини тадбиқ этиш.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

ҳомиладор аёлларда гестацион қандли диабет ривожланишини эрта ташхислаш ва хавф омилларини аниқлаш;

хавфли гуруҳдаги ҳомиладор аёлларда гестацион қандли диабетни ташхислашда клиник-биокимёвий, гормонал предикторлар ёрдамида она-йўлдош, ҳомила тизимидаги ўзгаришларни баҳолаш;

гестацион қандли диабетда НОМА-IRCP ва НОМА-Islet индексининг фетометрия кўрсаткичлари билан корреляцион боғлиқлик даражасини баҳолаш;

тадқиқот натижалари асосида гестацион қандли диабет ривожланган аёлларда эрта ташхислаш ва ҳомиладорликни олиб бориш алгоритмининг оптималлаштириш асосида махсус компютер дастурини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида республикамизнинг Бухоро ва Навоий вилояти ҳудудидан 171 нафар ҳомиладорлар илмий тадқиқот объекти сифатида олинди. Шулардан 104 нафар беморнинг клиник-лаборатор, ултратовуш текширув натижалари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида венадан олинган қон ва унинг зардоби асосида клиник иммунофермент-гормонал ва биокимёвий текширувлар, ултра товуш натижалари олинган.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотда умум клиник, биокимёвий (С реактив оксил, ферритин, Д-димер, АЧТВ, кетон, гомоцистеин, глюкоза, креатинин, ЛДГ, ЛИИ, ОГТТ, НвА1с), гормонал (лептин, С-пептид, 25(ОН)Д, НОМА-IRCP, НОМА-Islet, корреляцион ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:**

илк бор текширилаётган ҳомиладор аёллар орасида гестацион қандли диабетнинг ривожланиш даражаси ўрганилди ва унинг антенатал давр мобайнида кечиши лаборатор таҳлиллар ёрдамида кузатилди;

илк бор гестацион қандли диабетли ҳомиладор аёлларда энг катта хавф омилларидан бўлган: семизлик ва ортиқча вазнли аёллар (75%), ирсиятида қандли диабет бўлиши (57,4%), преэклампсия (66,2%), COVID-19ни ўрта оғир, оғир ва ўта оғир даражаларида кечиши (14,7%) ташкил қилди. Шунингдек УТТ текшируви натижасида ГҚД ҳомиладорлар организмида декомпенсацион ҳолатларни эрта ташхислаш имконини берди;

Д-димер кўрсаткичлари билан С-пептид, лептин, гомоцистеин каби сезувчанлиги юқори лаборатор таҳлилларнинг ўзаро корреляцион боғлиқлигининг ўрганилиши ҳомилани антенатал ҳолатини ўз вақтида баҳолаш ва кейинчалик ГҚДли ҳомиладорларни даволаш режасини тузиш имконини берди;

ГҚДли ҳомиладорларни илк бор антенатал даврда ва ҳомила ривожланиши ҳолатини С-пептид, лептин ва гомоцистеин каби сезгирлиги юқори лаборатор таҳлилларни қўллаш назорат сифатини оширади ва патологик ҳолатлар аниқланганда, даволаш режасини тузиш ёки ҳомиладорликни тўхтатиш кўрсатмаларини белгилаб берди;

илк бор биз ишлаб чиққан ГҚДли ҳомиладорларни олиб бориш алгоритми, ҳомила ривожланиш ҳолати ва ҳомиладорлар антенатал даври



кечишини самарали баҳолаш имконини бериб, перенатал ва оналар касалликлари, чақалоқлар ўлими каби акушерлик асоратларини камайтиради;

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

хавф гуруҳини аниқлаш мақсадида ҳомиладорларда кундалик амалиёт учун ГКД ривожланишини башоратлашнинг дастурини қўллаш бўйича ёндашувлар ишлаб чиқилган;

иккинчи ва учинчи триместрларда биомаркерлар (С-пептид, гомоцистеин, лептин ва витамин Д) даражасини аниқлаш орқали ҳомиладорликка тайёрланаётган репродуктив ёшдаги аёлларни кузатиш мезонлари аниқланган;

гестацион қандли диабет эрта скрининги учун таклиф қилинган дастур ҳомиладорлик ва туғруқда асоратларни камайтириш мақсадида эҳтимолий хавф гуруҳини олдиндан аниқлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ҳамда усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сони ва етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бириккинчисини тўлдирадиган клиник-анамнестик, биокимёвий, статистик-корреляцион тадқиқот усуллари асосида гестацион қандли диабет ривожланишида биомаркерлар ўрнини баҳолашнинг ўзига хослиги халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҳомиладорларда гестацион қандли диабет ривожланиши профилактикасининг патогенетик механизмларини аниқлашда клиник-метаболизм предикторлар ва биокимёвий-гомонал маркерларнинг ўзгариш мезонлари баҳолашга доир олинган назарий хулосалар билан баҳоланганлиги, ҳомиладорларнинг ушбу тоифасида ишлаб чиқилган профилактик терапиянинг самарадорлиги исботлангани ва тиббиёт соҳасидаги илмий тадқиқотларни такомиллаштиришга салмоқли ҳисса қўшиши, олинган натижалар назарий ва амалий тиббиётда янги жиҳатларни аниқлаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти гестацион қандли диабет касаллигининг клиник-анамнестик ва биокимёвий-статистик омилларни инобатга олган ҳолда ҳомиладорларда унинг эрта скрининги ва профилактикасини ва ҳаёт сифатини яхшиланиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши.** Гестацион қандли диабет касаллиги мавжуд беморларда клиник-анамнестик предикторлари ва биокимёвий, инструментал текширувлар динамикаси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Гестацион қандли диабет ривожланиш хавфи бўлган акушерлик асоратларини башоратлаш усули» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 26 февралдаги 8н-р/171-сон маълумотномаси). Ушбу услубий тавсиянома ҳомиладор аёлларда семизлик, кўп сувли ҳомиладорлик, ҳомила антенатал ўлими ва нуқсонли каби

асоратларнинг фонида гестацион қандли диабет ривожланишини олдини олиш имконини берган усуллар ишлаб чиқилган.

«Гестацион қандли диабетнинг замонавий коррекцияси ва клиник-лаборатор ташхислаш алгоритми» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 26 февралдаги 8н-р/170-сон маълумотномаси). Ушбу услубий тавсиянома клиник ва лаборатор таҳлилларга асосланиб гестацион қандли диабетни ўз вақтида коррекциялаш алгоритми яратилган.

Тадқиқот давомида касалликни скрининги ва профилактикаси самарадорлигини ошириш борасида олинган натижаларни соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Навоий вилояти перенатал маркази, Бухоро шаҳар туғруқ комплекси клиник амалиётига жорий этилди (Соғлиқни сақлаш вазирлигини 2020 йил 31 мартдаги 8н-з/120-сонли маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга тадбиқ этилиши она ва болаларда 2 тип қандли диабетни ривожланиш хавфини камайтиришга, эрта ташхислашни, касаллик кечишини башорат қилиш, ўз вақтида келиб чиқадиган асоратларни профилактикасини оптималлаштиришга, ҳамда беморлар ҳаёт сифатини яхшилаб, даволаш чора-тадбирларининг самарадорлигини ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқотнинг натижалари 8 та жумладан, 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 123 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Гестацион қандли диабет муаммосига замонавий қарашлар (адабиётлар шарҳи)» деб номланган биринчи бобида танланган мавзу юзасидан муаммоларига бағишланган назарий жиҳатлар ва тизимли тадқиқотлар, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Гестацион қандли диабетнинг ҳомиладорлар орсидан учраши, хавф омиллари ва клиник белгилари, гестацион диабетни – инструментал ва лаборатор

текшириш усуллари, эрта скрининг профилактика усуллари прагнозлаш чоралари кенг ёритилган.

Диссертациянинг «Гестацион қандли диабетли ҳомиладорларнинг текшириш материаллари ва тадқиқот усуллари» деб номланган иккинчи бобида илмий ишда фойдаланилган тадқиқотнинг клиник материаллари ва тадқиқот усуллари умумий баёни берилган.

Диссертация иши материаллари Бухоро давлат тиббиёт институтининг тиббий педагогика факультети акушерлик ва гинекология кафедраси (кафедра мудири - тиббиёт фанлари доктори, профессор Г.А. Ихтиярова, ректор - проф. Ш. Ж. Тешаев), Бухоро шаҳар туғруқ мажмуасидан (бош врач - З.М.Саидова) ва Навоий вилоят перинатал марказидан (директор – Ф.Б. Гаффаров) йиғилган.

Белгиланган вазифаларни ҳал қилиш мақсадида анамнезида ГҚД бўлган 67 аёлнинг тиббий маълумотлари статистик йўл орқали таҳлил қилинди. Ҳомиладорликда ГҚД бўлган 68 нафар ҳомиладор ва таққослаш мақсадида 36 аёл ҳомиладорлик даври физиологик кечаётган аёллардан ташкил топган.

Тадқиқот уч босқичда олиб борилди. Ишимизнинг биринчи босқичида, ГҚД ривожланишининг хавф омили сифати ортиқча вазн, семизлик, анамнезида ўлик ҳомила, кўпсувлилик, ҳомила нуқсони ва йирик ҳомиланинг аҳамиятини ва унинг ҳомиладорлик, туғруқ ва туғруқдан кейинги даврнинг ҳаёт учун хавфли асоратларига олиб келиши мумкин бўлган аҳамиятини аниқлаш мақсадида анамнезида қандли диабет бўлган ҳомиладорларда тадқиқот ўтказилган. Беморлар 2017 йилдан 2020 йилгача Бухоро шаҳар туғруқ мажмуаси ва Навоий вилоят перинатал марказидаги туғруқ тарихи, статистик журналлар ва туғруқ бўлимлари ҳисоботларининг архив материалларидан танлаб олиш орқали киритилган.

Ишнинг иккинчи босқичи 2018 йилдан 2021 йилгача ГҚД аниқланган 68 та ҳомиладорлик муддати 22-38 ҳафталик бўлган аёллар текширилган.

Назорат гуруҳига ҳомиладорлик муддати турли хил бўлган ва жараёни физиологик кечган 22-38 ҳафталик нисбатан соғлом 36 та ҳомиладор аёллардан ташкил топган бўлиб улардаги клиник-лаборатор, инструментал текширувлар орқали тадқиқот ўтказилган.

Тадқиқотимизнинг асосий йўналиши аёлларнинг ҳомиладорлик даврида ГҚДга сабаб бўладиган омилларни ўрганиш бўлиб, ГҚД билан асоратланган ҳомиладор аёлларнинг анамнезик маълумотлари ўрганилган, бунга кўра уларнинг қуйидаги параметрларига алоҳида эътибор берилди: ёши, паритети, олдинги ҳомиладорлик ва туғруқ давридаги анамнези, туғруқдан кейинги даврнинг хусусиятлари, гинекологик ва соматик касалликлар, ҳайз цикли функцияси ҳолати (илк менарх ёши, ҳайз даврининг хусусиятлари ва унинг бузилишлари).

Бу ҳомиладорликнинг кечишига (ҳомиладорликнинг муддатдан олдин тўхташ хавфи, ҳомила антенатал ўлими, йирик ҳомила, кўпсувлилик, ҳомила нуқсони, юқумли ва вирусли шамоллашлар), турли соматик касалликлар ва туғруқнинг кечишида кузатилган асоратларига (туғруқдаги асоратлар, жарроҳлик аралашувлари) алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳомиладорлардаги асосий касаллиги ўрганилганда уларнинг

шикоятлари, ривожланиш тарихи, кечиш хусусиятлари, олдинги даволаниш ва унинг самарадорлигига алоҳида аҳамият берилган ва чуқурроқ ўрганилган.

Тадқиқотнинг иккинчи босқичи тугагач, хавф гуруҳлардаги ГҚДнинг ривожланиши аҳамияти ўрганилди. Олиб борилган тадқиқот натижалари ГҚД да ҳомиладорликни олиб бориш тактикасини оптималлаштиришга асос бўлди.

Тадқиқотнинг учинчи босқичи ГҚД билан асоратланган ва асоратланиши мумкин бўлган хавф гуруҳларни профилактика ва эрта скрининг қириш алгоритмни оптималлаштиришдир.


Олинган натижаларнинг шарҳи клиник маълумотларнинг тўлиқ таҳлилига асосланган ҳолда, текширилган аёлларнинг батафсил тавсифи тегишли бобларда ёритилган.

Диссертациянинг **«Гестацион қандли диабет билан касалланган ҳомиладор аёлларнинг клиник-анамнестик, лаборатор-инструментал кўрсаткичлари»** деб номланган учинчи боби еттита кичик бўлимлардан ташкил топган. **«Гестацион қандли диабетли ҳомиладорларнинг клиник-анамнестик хусусиятлари»** деб номланган биринчи кичик бўлимда тадқиқотга жалб этилган аёлларнинг клиник ва анамнестик таҳлиллари ўрганилган. Олдимизга қўйган мақсадларимизни ҳал қилиш учун ГҚД асорати билан ҳомиладорликнинг 2-3 уч ойлигидагидаги 68 нафар ҳомиладор аёлнинг тиббий ҳужжатлари ўрганилди. Қонда гипергликемия бўлган аёлларнинг клиник-анамнестик маълумотлари ва репродуктив саломатлиги кўрсаткичлари таҳлил қилинди. Маълум бўлишича, 68 нафар ГҚД асорати бўлган ҳомиладор аёлларнинг таҳлил қилинган маълумотлари орасидан 68 тасида ҳам касаллик клиник-анамнестик (семизлик, йирик ҳомила, ҳомила антенатал ўлими, кўпсувлилик, ҳомила нуқсони), инструментал ва диагностик маълумотлар (ультратовуш) асосида аниқланган. Агар биз ушбу минтақадаги ҳомиладор аёлларда ГҚД билан касалланиш динамикасини кузатадиган бўлсак, қоғоноқ парданинг туғруқдан олдин ёрилиши бўлган ҳомиладор аёллар орасида ГҚД билан касалланиш тенденциясини қайд этиш мумкин. Шундай қилиб, Бухоро ва Навоий вилоятларидаги ҳомиладорлар 2016 йилда ГҚД 0,58/0,8% ҳолатларида, 2017 йилда - 0,67/0,9% да, 2018 йилда – 0,83/0,96 %да, 2019 йилда – 0,97/1,2 % ва 2020 йилда -1,02/1,5% ҳолатларда кузатилган (1- расм).

Беморларни танлаш мезонлари ҳомиладорлик даври 22-38 ҳафта бўлган, ҳар хил акушерлик ва соматик асоратланган анамнез, юқори хавф гуруҳига эга бўлган ҳомиладорларни танлашдан иборат эди.

Анамнезни йиғишда биз беморларнинг яшаш жойини ҳисобга олдик, чунки метоболик касалликларнинг йил сайин ўсиб бориши замон тараққиёт маҳсули кам ҳаракатлик ва стресс омилларининг ошиши билан тўғри корреляцион боғлиқликга эга. Маълум бўлишича, қишлоқда яшовчи ГҚДли ҳомиладорлар (n=20) 30,2%, анамнезида ГҚД гуруҳ ҳомиладор аёллар орасида қишлоқда яшовчи аёллар (n=14) 20,6% ни назорат гуруҳидаги ҳомиладор аёлларга (n=28) 77,8% кузатилган, қайсиким, назорат гуруҳи ҳомиладорлар аксарияти қишлоқда яшаган. Шаҳарда яшовчи ГҚД ли

ҳомиладорлар (n=48) 69,8%ни, анамнезида ГҚД бўлганлар (n=53) 79,4%, назорат гуруҳида эса (n=8) 22,2% да эканини кўрсатди.



**1-расм. Бухоро ва Навоий вилоятида ГҚД учраш кўрсаткичлари (%).**

Бундан кўришиб турибдики ГҚД метаболик касалликлар сингари стресс омиллари юқори, кам ҳаракатлик, замонавий тараққиёт мавжуд ҳудудларда нисбатан кўпроқ касалланиш ҳолатини номоён қилади.

Шунингдек, биз беморларнинг ёши ҳолатига ҳам алоҳида эътибор қаратдик. 2-расмдан кўришиб турибдики, ГҚД билан касалланиш 20-29 ёшли ҳомиладорларда гестация ёши бўлганлиги ҳисобидан ГҚД билан касалланган ва анамнезида ГҚД бўлган ҳомиладорлар кўп қсимни ташкил этди (56,7% ва 55,9%).

30 ёш ва ундан катта ҳомиладорларимиз ГҚДли ҳомиладорларда 38,2% ни, анамнезида ГҚД бўлган ҳомиладорларда эса 41,8%дан иборат бўлди. Назорат гуруҳидаги соғлом ҳомиладорлар таққослаш мақсадида 20 ёш 11,1%ни, 20-29 ёш 61,1%ни ва 30 ёш 27,8 % олинди (2-расм).




**2- расм Ҳомиладорлар ёши кўрсаткичлари (%).**

Шунингдек, ҳомиладорлар ирсиятида ҚД касаллиги мавжудлиги ёки аксинча эканлигини анамнез йиғиш орқали аниқланди. Натижада анамнезида ГҚД бўлган ҳомиладорлар яқин қариндошларида ҚД борлиги 58,2 %, ГҚД ли ҳомиладорлар ирсиятида ҚД борлиги 57,4% да эканлиги сўровномада аниқланди. Назорат гуруҳида 16,7% яқинларида ҚД борлиги аниқланди.

Анамнезида ГҚДли ва ГҚД аниқланган ҳомиладорлар шу билан бирга

назорат гуруҳи ҳомиладорларида ҚД касаллиги ирсиятида мавжуд бўлмаганлар кўрсаткичлари 41,8%, 42,6, ва 83,3% ташкил қилди (3- расм).



**3- расм Ирсиятида қандли диабет билан касалланганлар**

Шундай қилиб, олинган маълумотлардан, айрим асоратланган акушерлик анамнезлари, йирик ҳомила) ўрни муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. ГҚДни тасдиқлаш мақсадида тадқиқотимизнинг навбатдаги босқичларида хавф омиллари янада аниқроқ кўринишда аниқланди.

Ушбу бобнинг иккинчи кичик бўлимида «Гестацион қандли диабетда гемостаз ва қон кўрсаткичларининг бузилиши спектри» ўрганилди.

Биз ГҚД билан касалланган ҳомиладор аёллар учун асосий мунтазам лаборатория текширувларини ўтказдик ва сўнгра уларни таҳлил қилдик: қон, сийдик, очликдаги ва юклама дозали перорал глюкозанинг толерантлик таҳлили (ПГТТ), гликирланган гемоглабин кўрсаткичи, ПТИ, ва тромботестни ўз ичига олган коагулограмма, умумий сийдик таҳлилидаги глюкоза, мочевина, креатинин.

Таҳлиллар жараёнининг тадқиқотимизда ва олдинги йилларда анамнезида ГҚД бўлган 67 ҳомиладор, ГҚД билан касалланган (тадқиқотимиз давомида аниқланган) 68 ҳомиладор ва 36 нафар назорат гуруҳларимиздаги ҳомиладорларнинг таҳлилларини ўрганишимиз учун аёлда гликирланган гемоглобин ва қондаги қанд миқдори биокимёвий таҳлилларига алоҳида аҳамият берилган.

Билирубиннинг барча фракциялари, АЛТ ва АСТ ферментлари, умумий оқсил, мочевина ва креатинин каби биокимёвий тадқиқотларини ўтказишдан мақсад ҳомиладор аёлларда ГҚДда тез-тез учрайдиган жигар ва буйрақлар фаолиятининг бузилиши даражасини аниқлаш эди.

Шунингдек, асоратлар ривожланиши билан кечадиган плацента-ҳомила қон айланишининг бузилишини аниқлаш учун биз динамикада гомоцистеин, лептин, С-пептид, Д-димер ва 25(ОН)Д каби ўзига хос таҳлилларни текширдик. Септик асоратлар юзага келадиган бўлса, биз С-реактив оқсил ва прокалцитонин кўрсаткичларини киритдик.

68 ҳомиладор аёлдан атиги 26 нафари эндокринологнинг тавсиясига биноан қунига 6 дан 10 таъсир бирликкача инсулин олган.

ГҚДда, айниқса туғруқдан олдин ва туғруқ даврда, гемоглобин, қондаги глюкоза, тромбоцитлар ва коагулограмманинг бутун спектри каби қон кўрсаткичларини билиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ҳомиладорлик қон шаклланишининг кучайиши, плазма ҳажмининг 2,5-3 баробарга ортиши билан кечади, мос равишда шаклий элементларнинг ва гемоглобиннинг таркиби ўзгаради.

Гестация даврида нафақат қон шаклий элементлари миқдори, балки уларнинг шакли ва ҳажми ҳам ўзгарган. Хужайралар ҳажмининг ошиши уларнинг агрегациясини кучайтиради ва шу билан ёпишқоқлигини оширади.


Шу муносабат билан биз, диссертация ишининг ушбу бобида ҳомиладор аёллар периферик қон кўрсаткичларини (гемограммалар) ва ҳомиладор аёлларда ҳомиладорликнинг III- уч ойида ГҚД билан касалланганлар ҳамда соғлом ҳомиладор аёлларнинг таққослама жиҳатдан коагуляцион гемостаз кўрсаткичларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолашга оид материалларни тақдим этишни мақсадга мувофиқ деб билдик.

Олинган натижалар шуни кўрсатадики, физиологик кечишга эга (n = 36) ҳомиладор аёлларнинг периферик қон кўрсаткичлари ГҚД билан оғриган (n = 68) ҳомиладор аёллардан сезиларли даражада фарқ қилади.

Иккала гуруҳида, ҳам соғлом ҳам ГҚД билан касалланган ҳомиладор аёлларнинг эритроцитлар ва гемоглобин миқдори референс қийматлар билан солиштириганда пасайганлигини кўрсатилди.

Умумий қабул қилинган меъёрларга нисбатан эритроцитлар 0,7 ва 0,4 (2,8 ва 3,1) га, гемоглабин эса икки гуруҳда мос равишда 15,2 ва 7,2 (98 ва 113,2 г/л) га камайганлиги кузатилди (1-жадвал).

Бир эритроцитда гемоглобин оксиленинг (Hb) ўртача концентрациясини акс этирувчи ранг кўрсаткичи камқонликсиз 0,8-1,0 оралиғида ўзгариб турди. Ушбу кўрсаткичнинг пасайиши турли шароитларда: камқонликнинг турли шаклларида, масалан, темир танқислиги, геморойдан кейинги камқонлик, кўпинча ички органларнинг сурункали касалликларида кузатилди (4-расм).




4-расм. Қондаги лаборатор таҳлиллар натижалари.

Қоннинг оқ таначалари (лейкоцитлар) қисми текширилганда, ГҚД билан касалланган ҳомиладор аёллар гуруҳида кўрсаткич соғлом одамларга қараганда сезиларли даражада юқори эмас ( $8,7 \pm 0,3$ ;  $7,8 \pm 0,24 \times 10^{12}$ ).

Тромбоцитлар - туғруқ ва туғруқдан кейинги даврда муҳим аҳамиятга эга бўлган қон ивиш жараёнлари учун масъул бўлиб, улар ҳам соғлом ҳомиладор аёллар гуруҳига қараганда  $65,7$  мингга кам эди (мос равишда  $194,72 \pm 2,22$  ва  $260,14 \pm 2,19$ ), анамнезида ГҚД борларда эса  $189,72 \pm 2,15$  ( $P < 0,01$ ) шунинг учун туғруқдан кейинги даврда, биринчи кун, гарчи бизнинг мутахассисларимиз қон кетишига қарши кураш бўйича барча профилактика чораларини амалга оширган бўлсаларда  $68$  нафар ҳомиладор аёлнинг  $11$  нафарида турли даражадаги қон кетиши кузатилди.

Ушбу ўзгаришлар шуни кўрсатадики, ГҚД билан касалланган ҳомиладор аёлларда умумий қон таҳлилидаги тебранишлар ушбу гуруҳнинг ҳам иммун депрессияси ҳам микроциркуляция бузилишидаги ўзгаришлар туфайли тез-тез яллиғланиш жараёнлари юзага келиши хавфи остида эканлигини яна бир бор тасдиқлади.

Диссертациянинг «ГҚД да С - пептид ва модификацияланган НОМА индексларининг корреляцион аҳамияти» деб номланган учинчи бобида беморлар гликемиясининг энг юқори кўрсаткичида, яъни ПГТТ текширувидан кейинги 4-6 соат оралиғида ва наҳорда  $9,98 \pm 0,28$  бўлиши, инсулин қолдиғи ҳисобланган С - пептидли НОМА–IR (НОМА–IRCP)  $1.51 \pm 0,06$  ( $p < 0,05$ ) индексининг сезиларли даражада ошишини кўрсатди. Бироқ, ГҚД бўлган гуруҳда ПГТТдан кейин НОМА–IRCP индексининг меъёрлашиши содир бўлмади, бу эса ушбу тоифадаги беморларда инсулин резистентлигининг яққолроқ шаклланишини таҳлил инobatга олган ҳолда ҳар иккала кўрсаткич орасидаги корреляцион боғлиқлик даражаси ўрганилди (5-расм). Натижада ПГТТ ва НОМА–IRCP орасидаги боғлиқлик тўғри юқори даражада эканлиги исботланди.




**5-расм НОМА-Islet ва ПГТТ корреляцион боғлиқлик даражаси**

Бундан ташқари, гликемия чўққисида НОМА—*islet* (ошқозон ости беи фаолияти ҳақида маълумот берувчи) индексининг аҳамиятли сезиларли пасайиши фақат ПГТТ дан кейин ўтказилган ПГТТ дан кейин гликемиянинг диабетик кўрсаткичлари мавжуд бўлган беморлар гуруҳидагина кузатилди ( $p < 0,05$ ).



НОМА—*islet* индексининг пасайиши ГҚД билан оғриган беморларда  $\beta$  - хужайраларнинг умумий функционал фаоллигининг бузилишини акс эттиради (6-расм).



**6-расм НОМА-Islet ва ПГТТ корреляцион боғлиқлик даражаси**

ПГТТ ва НОМА—*islet* таҳлиллари натижаси Спирман вариацион қатор тузилиб ҳар иккала кўрсаткичлар орасида корреляцион боғлиқлиги ўрганилганда, тўғри ўрта даражадаги корреляцион боғлиқлик мавжудлиги аниқланди.

Шундай қилиб, тадқиқотга жалб қилинган барча беморларда ГҚД ни эрта скрининги ва сабабини олдиндан аниқлаш учун фақатгина гликемия ҳолатини баҳолашдаги ПГТТ ва С-пептид даражасинигина аниқлаш ва узоқ муддатли диетатерапиясини бошлашдан олдин беморларда углевод алмашинуви ҳолатини баҳолаш учун етарли эмас. Шу муносабат билан, ҳомиладорликни учинчи уч ойлиги бошланишидан олдин, шунингдек, ПГТТ таҳлили фонида беморлар учун НОМА— IRCP, НОМА—*islet* индексини баҳолашни тавсия этиш мумкин, бу эса метаболизм генезли касалликлари билан оғриган беморларда углевод алмашинуви бузилиши, хусусан, ГҚДни башорат қилиш имконини берган.

Диссертациянинг «Тадқиқот гуруҳларидаги гемостазограмма кўрсаткичларининг ўзгаришини таққослаш» деб номланган тўртинчи бўлимида физиологик кечаётган ҳомиладорликнинг III триместри охирида қон фибринолитик фаоллигининг кескин пасайиши кузатилади, плазминоген фаоллаштирувчиларининг камайиши ҳисобига фибринолизнинг пасайиши кузатилади ва D -димер миқдори ҳомиладорлик муддатининг ортиб бориши билан ўсади ҳамда туғруқдан кейинги 3-4 кун давомида юқори бўлиб қолади.

Шу муносабат билан ушбу бўлимда биз таққосланган иккита гуруҳдаги ҳомиладор аёлларда коагуляцион гемостаз (гемостазограммалар) кўрсаткичларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш бўйича материалларни тақдим этишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Диссертациянинг «Ўрганилаётган учала гуруҳдаги биокимёвий кўрсаткичларнинг қиёсий таҳлил маълумотлари» деб номланган бешинчи бўлимида қон биокимёси маълумотлари, гарчи улар ўртача меъёрда қолган бўлсада, умумий оқсил, креатинин ва мочевина каби баъзи кўрсаткичларда ҳам фарқ қилди.

ГҚД билан оғриган ҳомиладор аёллар гуруҳида ўртача камқонлик туфайли умумий оқсил, ГҚД билан касалланган ҳомиладор аёлларнинг икки

гуруҳида 2,5-3 г/л га кам, шу вақтнинг ўзида соғлом гуруҳда у  $64,7 \pm 0,5$  г/л ни ташкил этди.

Буйрак функциясини тавсифловчи креатинин ва мочевина каби биокимёвий белгилар ҳам ўзгартирилди. Мочевина ва креатинин кўрсаткичлари ГҚД билан касалланган гуруҳда соғлом аёлларга қараганда 4,2 ва 3,6 мкмол/л га юқори, бу ҳам буйрак микроциркуляцияси, шу билан бирга чиқариш функцияси бузилганлигини кўрсатади.

Гликирланган гемоглобин ёки гликогемоглобин (HbA1c) – фақат текшириш вақтида қондаги глюкоза даражаси ҳақида тасаввур берувчи, қондаги глюкозани ўлчашдан фарқли ўлароқ, бу узоқ давр (уч ойдан тўрт ойгача) учун қондаги глюкоза миқдорини акс эттирувчи қоннинг биокимёвий белгисидир.

Умуман олганда, ГҚД билан касалланган бизнинг ҳомиладор аёлларимизда туғилишдан олдин HbA1c ўртача 7,7% ни ташкил этди, бу меъёрий маълумотларга мос келади, аммо шуни таъкидлаш керакки, соғлом аёлларда бу кўрсаткич сезиларли даражада 3,2% га камайди.

Соғлом ҳомиладор аёллар билан солиштирганда HbA1c нинг юқори кўрсаткичлари ГҚД билан оғриган, семиз ва юқори тана массаси индексига эга ҳомиладор аёлларда камқонликнинг юқори даражаси билан изоҳланиши мумкин.

C-реактив оқсил (СРО) - бу органлар ва тизимларнинг септик шикастлашни, бутун организмни ҳам маҳаллий ҳам тизимли шикастлашни ташхислаш учун жуда сезгир тест бўлган қондаги даражани миқдорий юқори сезгир аниқлаш бўлиб, бугунги кунда жуда долзарб ва керакли бўлиб ҳисобланади.


Референс қийматлари 0-10 мг/мл оралиғида ўзгарган миқдорий СРО усули. Септик асоратлар белгиларига эга бўлган 17 бемордан 11 тасида юқори СРО кўрсаткичлари - 3,2-7,9 мг/мл бўлиб, қолган 6 тасида 2,6-3,1 мг/мл оралиғида бўлди.

Биз ҳомиладор аёлларда ГҚДда яллиғланиш белгиларини босқичма-босқич аниқлашни таклиф қиламиз, лейкоцитлар юқори кўрсаткичлари, ЭҚТ, гемоглобин ва тромбоцитлар камайиши ҳолатида ЛИИ ни СРО дан кейин ҳисоблаб чиқилди, шубҳали ҳолатларда эса инфекциянинг зарарланиш даражаси аниқланди. Бизнинг тавсияларимиз бир қатор олимларнинг тадқиқотлари билан мос келади.

